




# ИШОНЧ

36

1993  
йил  
4—10  
сентябрь  
[129]

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



## Хабарлар мағзи



● УН ИККИНЧИ чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси 2 сентябрь кuni Тошкентда ўз ишини бошлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистоннинг иктисодий сиёсати устивор йўналишлари хақида муфассал маъруза қилди.

Олий Кенгаш шу маъруза юзасидан қарор қабул қилди. Кеча Республика Олий Кенгашининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

● РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Президентимиз номига жаҳондаги бир қатор давлат бошликлари номидан самимий табрикномалар келиб турибди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

● ТОШКЕНТДА Таэквон-до бўйича Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг 1 чемпионати мусобақалари бошланди.

## СОВРИНДОРЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати шу йил май ойида республикаимиз мустақиллигининг икки йиллиги олдидан бадий ҳаваскорлик жамоалари ва клуб муассасаларининг кўрик-танловини эълон қилган эди. Утган давр мобайнида жюри аъзолари ўнлаб жамоалар ва яккахонларнинг, халқ ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантириш ҳамда тарғиб этишдаги хизматларини ҳамда ижрочилик маҳоратларини ўрганиб чиқдилар.

Кўрик-танлов талабларига тўла жавоб берган бешта жамоа биринчи марта Ўзбекистон қасаба уюшмалари мукофотининг совриндори бўлди. Уларга ғолиблик дипломи ва пул мукофотлари топширилади.

Республикаимиз мустақиллигининг икки йиллиги арафасида, Ўзбекистон қасаба уюшмалари мукофотига сазовор бўлган жамоалар билан танишинг:

Наманган вилояти Қосонсой шойи тўкиш фабрикасининг «Сугдиёна» тожик ашула ва рақс ансамбли, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши Маданият марказининг «Тошкент» профессионал эстрада жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг хизмат кўрсатган ашула ва рақс ансамбли ҳузуридаги «Юлдузлар» гуруҳи, Фарғона ил-ғазлама бирлашмаси тўқимачилар маданият саройи, Хоразм вилояти, Гурлан тумани маданият уйининг «Аму-Ганг» ашула ва рақс ансамбли.

Ғолиб бадийи жамоалар кучи билан сентябрь-октябрь ойларида катта хайрия концертлари уюштириш белгилаб қўйилди. Шунда кенг жамоа истеъдодли ёшлар санъати билан яна ҳам яқиндан танишадилар. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши кўраётган бундай тадбирлар меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашга, турмуш мадаиятини оширишга, ёш истеъдодларни камол топдиришга хисса бўлиб қўшилади.


## БАХТ ҚУЁШИ КУЛГАН КУН

тақиллик майдони халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, удумлари акс эттирилган бекиёс манзара касб этди. Бу тантананага Ўзбекистон республикаси Президенти Ислам Каримов бошлиқ ҳукуматимиз раҳбарлари, хорижий мамлакат элчихоналари вакиллари, пойтахтимиз меҳмонлари ва бутун аҳли-алаф иштирокидаги кўнгилочар тадбирлар оламшумул мазмундорлик ва алоҳида улуғворлик бахш этди. Бош майдон узра Ўзбекистон мадҳияси тантановар янгради, мустақил юртимизнинг нурафшон байроқлари кўтарилиб, кўк узра ҳилпнади. Раиғ-баранг мушаклардан бутун коннот ёришиб кетди гўё. Мустақил Ўзбекистон тенгдошлари янглик мустақиллик кунини туғилган болаларга бағишланган кўшиқ-

лар мавжланди. Мирзо Улугбек ҳайкали очилди. Бу хаяжонли дақиқаларда иштирок этган ҳар бир киши ўзининг келажакни янада порлоқ эканлиги ва шу буюк давлат фарзанди эканлигидан фахрланди. Бахт қуёши кулган куннинг икки йиллиги — муборак истиқлол байрами эллик, юз, минг йиллардан кейин ҳам худди мана шундай юксак мазмундор, тантанаворлик билан, ўта кўтаринки кайфиятда ўтишига иймон-ишончлар қомилдир.

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Аҳмад Даврон ва Шоназар Иброҳимов олган суратлар.



ЎЗБЕК халқи кўп йиллар оша орзу қилган буюк давлат бошида бахт қуёши порлайди бугун. Барчада иймон — эътиқод, миллий гурур туйғуси. Буюк аждодларимиздан мерос — маънавий бисотга эга бўлганимизнинг тантанаси кун-кеча нақадар шодийоналик билан нишонланди. Истиқлолнинг икки йиллиги жонажон ватанимизнинг ҳамма шаҳар, кишлоқларида байрам қилинди. Пойтахт маркази — қадимий ва гўзал Тошкентда эса бу айём улуғ бобомиз Амир Темурнинг улугвор сиймоси акс эттирилган ажойиб ҳайкалнинг очилиши билан бошланди. Мус-



## ҚАДИМИЙ ОҒА-ИНИЛАР

ЎЗБЕК ва қорақалпоқ халқлари қадимдан оға-инилардек яшаб, яхши кунларни бирга баҳам кўриб, оғир вақтларда елкадош ва мададкор бўлиб келишган. Тошкентга Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллик байрами тантаналарига келган қорақалпоғистонлик меҳмонларнинг бир гуруҳини Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов қабул қилди. Учрашувда Қорақалпоғистон республикаси Олий кенгаши раиси Уббиняз Аширбеков, Вазирлар кенгаши раиси Ражаббой Йўлдошев, республика қасаба уюшмалари кенгаши раиси Уринбой Қунназаров, Хўжайли тумани ҳокими Сафарбой Нурхўжаев, Ўзбекистон халқ шoirи, Қорақалпоғистон республикаси тинчлик жамғармаси раиси Ибройим Юсупов ва бошқалар иштирок этишди.

— Қорақалпоғистон республикаси ҳудудда ҳам шифобахш сувлар борлигини аниқладик ва кўплаб санаторийлар қурилишини бошлаб юбордик, — дейди Уббиняз Аширбеков.



— Тинчлик фондига тушган маблағ аввалгидек марказга жўнатилмай ўзимизда қолапти ва уни Орол болаларини ҳимоя қилишга сарфлаялмиз, — дейди шоир Ибройим Юсупов.

«Орол болаларига» деб номланган жамғармага ўтган йили Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши 1 миллион сўм пул ўтказди ва ҳар йили Орол бўйи болалари бизнинг «Чимёна» санаторийсида дам олиб, чиниқадилар.

Учрашувда Президентимиз Ислам Каримов олиб бораётган кучли ижтимоий-сиёсат маъқулланди. Икки халқ ўртасидаги меҳр ришталарини мустаҳкамлашда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги қийинчиликларини енгиб, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилишда қасаба уюшмаларининг ҳамкорлиги, дўстлиги бундан кейин ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини Т. Х. Собитов, муовинлари Қ. М. Рафиқов, М. М. Тўлағанова, Э. И. Қодиров қатнашдилар.

Маърузачи — тармоқ касба уюшмаси республика кўмитаси раисининг ўринбосари Р. Турдалиев ва музокарада сўзга чиққан фаоллар, «Средазугол» ишлаб чиқариш бирлашмаси кончилари ва раҳбарлари иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шакли ва усулларини такомиллаштириш юзасидан Президентимиз ва ҳукуматимиз кўраётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Ислоҳ Каримовнинг касба уюшмаси фаоллари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида бу соҳада аниқ йўналишлар берилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касба уюшмалари бажариши лозим бўлган вазифалар кўрсатиб ўтилди. Тармоқ касба уюшмаси ўз фаолиятини мана шу янги талаблар асосида кўришга ҳаракат қилмоқда.

Лекин мавжуд муаммолар олға қараб дадил ҳаракат қилишда маълум қийинчиликлар туғдирмоқда. Иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлиги, ускуналар, техника воситалари ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришдаги узилишлар, ўзаро ҳисоб-китобларнинг тўхтаб қолганлиги бунга сабаб бўляпти. Оқибатда кўрсаткичлар пайсамоқда, истеъмолчилардан ҳақли эътирозлар келмоқда.

«Средазугол» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари В. Канаевнинг сўзларида муаммолар ва қийинчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатиб берилди. Корхонани ривожлантириш истиқболлари маълум қилинди. Ҳозир мавжуд қарзларни қоплаш вазифаси турибди. Шу йилнинг ярим йилида 560 минг тонна кўмир мўлжалдагидан кам қазиб чиқарилди. Бундан буён кунлар совуб

бораверади. Иссиқлик ва ёруғликка бўлган эҳтиёж ортаверади. Бунинг учун эса кўпроқ кўмир керак бўлади. Эҳтиёжни қондириш кончиларнинг куч-ғайратига, ишни ташкил этишга, уюшқоқлик ва интизомга боғлиқ эканлигини пленум қатнашчилари алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Одамларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилишдан манфаатдорлигини ошириш

зифаларга бевосита касба уюшмалари ҳам дахлдордирлар. Республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишда касба уюшмалари кўшадиған ҳиссага Президентимиз катта умид боғламоқда. Шу ишончни оқлаш йўлида бор куч-ғайратларимизни сафарбар этишимиз, ислохотларни амалга оширишда таянч нуқтаси бўлишимиз керак.

## МУАММОЛАР БОР, ЕЧИМИЧИ?

Ўзбекистон кўмир саноати ходимлари касба уюшмаси республика кўмитасининг мажлисида ислохотлар ўтказилаётган ҳозирги шароитда тармоқ меҳнатқашларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича касба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга оид масала муҳокама этилди.

Йўлида ҳукуматимиз кўп тадбирларни кўрмоқдалар. Маошлар, тўловлар тобора ошиб бораёпти. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш кучаймоқда. Мустақил республиканинг энергия-ёқилғи ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, иқтисодий мустақилликни тезроқ таъминлаш мақсадида кўмир саноатини 1993—2000 йилларда ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Шу концепцияга мувофиқ асримизнинг охирига бориб республикада кўмир қазиб олиш 11 миллион тоннага етказилади. Шу мақсадда мавжуд шахта ва разрезлар таъмирланади, янгидан Бойсун ва Облик шахталари ишга туширилади.

Олдинда катта ишлар турибди. Бу ва-

Мажлисида сўзга чиққан ўртоқлар ижтимоий ёрдамнинг адресли бўлиши, боқимандаликка қарши ўт очиш кераклигини ўқтирдилар. Иш билан таъминлаш, маошларни тартибга солиш юзасидан Президентимиз киритган таклифларини қўллаб-қувватладилар.

Мажлисида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқов нутқ сўзлади. У йиғилганлар эътиборини республикамиз Президентининг касба уюшмаси фаоллари билан бўлган учрашувда ўртага қўйган вазифаларга қаратди.

— Давлатимиз бошлиги нутқида республикада миллий тотувлик ва сиёсий барқарорликни сақлашда касба уюшма-

лари кўшаётган ҳиссага алоҳида урғу берилди, — деди нотиқ, — Мустақилликнинг ўтган икки йили мобайнида республикада катта ишлар қилинди. Лекин асосий ишлар олдинда. Шунинг учун касба уюшмаси фаоллари республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотнинг моҳиятини одамларга кенг тушунтиришлари керак.

Ҳозир ижтимоий ёрдамни адресли қилиш, кўпроқ эҳтиёжманд кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи кўтарилаёпти. Нафақа ва ижтимоий ёрдамни фақат объектив сабабларга кўра ишлаб олмайдиғанлар олиши керак. Қолганлари эса ишлаб, ўзини-ўзи боқиши лозим. Нарх-наволарни эркин қўйиш бўйича ҳам муҳим таклифлар бўляпти. Ҳозир кўп корхоналар давлатдан дотация олаяпти. Чунки улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва бажараётган хизматлар нархи чеклангандир. Чекланган нархларда чиқарилган маҳсулотлардан бой ҳам, камбағал ҳам тенг фойдаланаяпти. Бу адолатдан эмас. Бундай бўлмаслиги учун эркин нархларга ўтиб фақат эҳтиёжманд кишиларга маҳсулотларни белгиланган баҳода сотиб олишлари учун қўшимча ёрдам пули беришни йўлга қўйиш керак.

Пленумда қабул қилинган қарорда Президентимиз билан бўлган учрашувда баён этилган вазифаларни амалга ошириш йўл-йўриқлари баён этилган. Ҳозир бутун эътибор ислохотни чуқурлаштиришга ва шу жараёнда тармоқ меҳнатқашларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилмоғи лозим.

«Ишонч» мухбири,  
Ангрен шахри.

## ИЖТИМОЙ ЁРДАМ: АНИҚ, АДРЕСЛИ БЎЛСИН!

**ҲОРАЗМ** вилояти касба уюшма ташкилотларида Ўзбекистон давлатининг олий раҳбари Ислоҳ Абдуганиевич Каримовнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада яхшилаш; уни аниқ, адресли қилиб қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги новаторлик таклифлари қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

● **ХИВА.** Ўзининг 2500 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган шаҳарда бугунги кунда неча онла ночор яшайпти? Уларга қандай ёрдам берилмоқда? Шаҳар ва туман хокимлиги, касба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши фаоллари қўлида бу ҳақда аниқ маълумотлар бор. Ўтган йилнинг охирида шаҳар ва туманда касба уюшмалари ходимлари, маҳаллий фаоллар билан ҳамкорликда ўтказилган социолог тадқиқот ана шундай имкониятни яратиб берди.

Шуни айтиш керакки, ўша пайтда ҳар бир хонадоннинг аниқ даромадлари эринмасдан атрофича ўрганиб чиқилди. Натيجида 1030 та моддий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланди, уларга ёрдам бериш тадбирлари белгиланди.

Йилнинг ўтган даврида бу оилаларнинг 50 фоизидан ортиқроғига шаҳар ва туман ҳокимлиги жамғармасидан, шаҳар, туман меҳр-шафқат ташкилотлари, касба уюшмалари вилоят кенгаши, бошланғич касабалар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Байрамлар арафасида уларга совғалар топширилди.

— Биз бундай тадбирларни янада такомиллаштиришимиз, — дейди Хива касба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши раиси Марат Ниёзов. — Шу боис ижтимоий ёрдам аниқ, адресли бўлиши зарурлиги ҳақида республикамиз Президентининг таклифини ҳам жуда тўғри, оқилона айтилган гап деб ҳисоблаймиз. Давлат миқёсида ҳозир ижтимоий ҳимояга қаратилган тадбирлардан бойбадавлат яшаётганлар ҳам,

ўрта ҳоллар ҳам, ночор яшаётганлар ҳам фойдаланмоқда. Ваҳоланки, бизнинг шаҳар ва туманда бундай ҳимояга муҳтож оилалар барча оилаларнинг тўртдан бирига ҳам етмайди. Бу аниқ.

\* \* \*

◆ **ХОНҚА.** Бугунги кунда бир кун овқатланиш баҳоси бир неча пул бўлади. Туманда яшаётган 20 нафар яққал ёлғиз қария бунинг ташвишини чекиб ўтирмайдилар. Уларга ҳар куни туман фахрийлар кенгаши жойлашган бино ошхонасида тушлик овқат бепул берилди. Бунга кетадиган сарф-харажатни эса касба уюшма ташкилотлари тўламоқда.

— Фахрийларимиз юртбошимиз Ислоҳ Абдуганиевич Каримовнинг аҳолининг кам даромадли табақаларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги янги таклифларини маъқуллаш билан кутиб олдилар. Ҳақиқатан ҳам чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрсан, шу кунгача арзон баҳода озик-овқат маҳсулотларини, кийим-кечакларни ҳамма табақалар бирдай оляптилар. Натيجида давлат даромадини бир қисми унга сарф бўляпти, — дейди туман фахрийлар кенгаши раиси Қ. Дурумов. — Тарихдан маълумки, давлат бева-бечораларни, камбағалларни, касалмаңдларни ўз ҳимоясига олган, шу мақсадларга маблағ ажратган. Бундай шарқона аъёналар республикамизда ҳам тикланса аини мулдоо бўлади.

Шихназар АХМЕДОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## «ЧЕВАР»ДАГИ «ГЎЗАЛЛИК»

- Ўзбек-хитой кўшма корхонаси иш бошлади.
- Аёлларимизга йилига қирк мингта понбархит қўйлак.

— Ўзбекистонга дастлабки сафарим вақтида, — деб ҳикоясини бошлайди биз билан суҳбатда бугунги кунда «Ўздеда» (Ўзбекистон гўзаллиги) ўзбек-хитой кўшма корхонаси бош директори ўринбосари Го Юнлянь, — ўзбек хотин-қизларининг бизнинг понбархит, виллур ва баҳмал каби матоларимизга ишқибоз эканлигини сезиб қолдим. Чайқов бозорида эса бу матоларнинг нархи жуда баланд. Ва мен мустақиллик сари қадам қўйган ўзбек халқига ёрдам қўлини чўзишга аҳд қилдим. Бизнинг Хитой халқ республикасининг Чжансу вилоятидаги Чжанзяган фабрикасида кўплаб бундай сархил матолар ишлаб чиқарилади. Бу газламалардан Ўзбекистонга келтириб, қўйлақлар ишлаб чиқарсак, ўзбек халқини миннатдор қилишимиз мумкин-ку деган ниятда. Тошкент шаҳридаги «Чевар» тикувчилик концерни раҳбарларига мурожаат қилдим. Бош директор Аббос Фатхуллаевич Сандов жуда тушунган, одамоҳун ва ишбилармон раҳбарлардан экан, фикримизни қўллаб-қувватлади. Мана кўриб

турганингиз ушбу алоҳида бинони беришди. Биргаликда жиҳозладик. Хитойдан тикув машиналари, газлама ва бир неча мутахассислар олиб келдик. Қарс икки қўлдан чикади деганларидек, бу ерда бизга барча шарт-шароитларни яратиб беришди. Мана ишни муваффақиятли бошлаб юбордик. Бу кўшма корхона Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллик байрамига бизнинг туёнамиздир.

— Жаҳон Го Юнлянь ниҳоятда ишчан, ташаббускор ва ҳимматли эканлигини намойиш этмоқда, — дейди Аббос Фатхуллаевич, — биз булардан хурсандимиз. «Чевар»нинг қўли гул, билимдон тикувчилардан 65 нафарини саралаб олиб, хитой матоларидан энг янги моделларда илғор технологиядан фойдаланган ҳолда аёлларга, қизларга бежирим қўйлақлар, костюмлар ишлаб чиқара бошладик. Бизнинг чеварларимизга ўн икки нафар хитойлик тикувчи аёллар бир ой давомида мураббийлик қилишди. Ўзаро келишувга кўра ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 67 фоизи ўзимизда қолади... Маҳсулотларимиз билан биз келгусида ташки бозорга ҳам чиқиш ниятидамыз.

Санъат МАХМУДОВА,  
«Ишонч» мухбири.

## МАРҒИЛОН АВТОБУСЛАРИ

● **МАРҒИЛОН** қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш заводи республикамиз мустақиллигининг 2 йиллик тўйи арафасида таъмирлаш фирмасига айлантирилди.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон касба уюшмалари кенгаши фаоллари билан учрашувда аҳолини ҳар томонлама ҳимоялашда бошланғич касба уюшма кўмиталарининг ҳам ўз иш жойларида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари лозимлигини ўқтириб ўтганди. Ушбу маслаҳатга амал қилиб биз ҳам заводимизда кескин ўзгаришлар қилдик, — деб гап бошлади биз билан суҳбатда фирма касба уюшма кўмитаси раиси Маъмуржон Расулов. — Етишмовчилик орқасидан йил бошида ноқ одамларни иш билан таъминлаш оғирлашди. Шунинг учун заводда «Газ-52», «Газ-53» формаларидаги автомашиналардан 24 ўринли автобусларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Уларга талаб катта эди. Республикамиз тўйи арафасида биз 70 та шундай автобусларни тайёрлаб хўжаликларга сотдик. Бу йил бошидаги иқтисодий қийин аҳволимизни ўнглашга

туртки бўлди. Лекин умумий аҳволимизни ўнглаш учун банкдан барибир қарз олдик. Сўнгра давр талабидан келиб чиқиб янгица иш юритишни уюштирдик: дастлаб аҳолига хизмат кўрсатиш цехини очдик. Унда ташкилотлар ва аҳоли буюртмаси асосида халқ истеъмол моллари — филдиракли замбаргалтаклар турли ҳимоя панжаралари, темирдан эшик, дарвозалар тайёрлашни йўлга қўйдик. Кейин унинг ёнига автомашиналар учун техник хизмат кўрсатиш цехини очдик. Натيجида кечагина маош камлигидан нолиб юрган ишчиларга иш ҳақи ҳам топилди, 70—80 мингга етказиб ойлик ҳам олишмоқда. Хуллас, бозор муносабатлари бизга катта мақтаб бўлди, бош қотиришга, ишбилармон, тадбиркор бўлишга ундамоқда. Аввалгидек олма пиш, оғзимга туш, — деган боқимандалик кайфиятидан қутила бошладик.

Ишчиларимизнинг ҳордиқ кунлари тез-тез Шоҳимардонда, қўшни Қирғизистон ҳудудидаги оромгоҳларда дам олишларини уюштириб турамыз. Йил бошидан 2000 бўлган иш қийимлари ҳозир 5000 сўмга чиқиб кетган бўлса-да, яқинда сал ўзимизни

ўнглаб олгач, барча ишчиларимизни махсус кийимлар билан таъминладик, оғир шароитда ишловчиларга ҳам сут-қатиқни ҳар куни етказиб беряпмыз.

Республикамиз мустақиллигининг 2 йиллик тўйига яна бир янги цех очдик, аҳолига ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол молларининг турини ҳам 10 дан оширдик, 40 га яқин янги автобусларни ҳам рисоладагидек жиҳозлаб сотувга ҳозирлаб қўйдик. Булардан келадиған даромадлар орқали ишчиларимизнинг маошини ошириш маъмуриятнинг ҳам, касба уюшма кўмитасининг ҳам энг биринчи вазифасидир.

Зеро, Президентимиз касба уюшма фаоллари билан учрашувда айтганидек, биз ҳам аввало ўз ишчиларимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ўйлаб юқоридаги ишларга дадил қўл урдик. Шукурки, янглишлаган эканмыз.

Пайтдан фойдаланиб, Республикамиз мустақиллигининг 2 йиллик тўйи билан барча ҳамкасбларимни, ҳамюртларимни қизғин табриқлайман!

Адҳам ДАМИНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ҚИЗИЛҚУМЛИКЛАР

УРАЗЖОН яйловлари ҳақида эшитганмисиз? Уни кўпчилик Қизилқум маликаси, деб ҳам атайди. Айниқса, шу кунларда Уразжонда бўлсангиз, она табиат барча гўзаллигини, бутун бойлигини шу бепоён яйловга тўкиб ташлагани, дейсиз. Дуркун кўзичоқларнинг сакраб-сакраб ўйнаши қалбингизга ширин туйғулар олиб киради. Уларнинг чўзиб-чўзиб маъраши қулоғингизга ҳали ҳеч ким куйламаган янги бир кўшиқдай эшитилади. Ана шу кўшиқ сеҳри вужудимизга ажиб бир илқилик, тиқилик бахш этадию сиз бир зум уларга сеҳрланиб қоласиз.

Четдан кузатган киши ана шундай манзаранинг гувоҳи бўлиб чўпонларга ҳаваси келади. Аммо чорвадорлар ҳаёти билан яқиндан танишмоқчи бўлсангиз, чўпонлик шунчаки табиат гўзаллигига мафтункорлик, қўй-қўзиларнинг маърашини эшитиб маза қилиш эмас, балки ҳақиқий оғир ва чинаяк меҳнат эканлигини, бу касбнинг уддасидан ҳар ким ҳам чиқавермаслигини билиб қоласиз. Бугунги кунда «Конимех» давлат наслчилик заводи-нинг 3-фермасига етакчилик қилаётган, Уразжон султони деб ном олган Бўрибой Ёқуббоев ҳам чўпонлик ташвишларини бошидан кечириб, қувончларидан севинган инсон. Шу туйғуларнинг қўйинчиликларини унинг эттига сингиб, ота-боболари сингари Қизилқумдан ошён қурган.

Бўрибой 1970 йил ўрта мактабни битириб, акиси — бош чўпон Холи Ёқуббоевга ёрдамчи бўлди. Чўпонлик қилиш билан бирга Самарқанд қишлоқ хўжалик олий билимгоҳининг қоракўлчилик факультетида сирдан таҳсил кўрди. Институтни битиргач, дастлаб давлат хўжалигининг наслчилик бўйича зоотехниги, кейинчалик ферма зоотехниги вазифаларида ишлади. Мана, икки йилдирки, ферма мудир сифатида фаолият кўрсатаяпти.

Ферма чорвадорлари ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 103 бошдан кўзи олгандилар. Ҳар бош қўй ҳисобига биттадан кўзи қолдиришганди.

Бу йил қишнинг чорва учун анча қулай келиши, озқанинг қишдан етиб ортадиган миқдорда ғамланиши, энг асосийси, чўпон-чўликларнинг тadbиркорлиги жуда қўл келиб, қўйлар қишдан беталофат олиб чиқилди. 10 минг бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 110 та дан кўзи олинди, қарийб 6 минг бош кўзи ўстиришга қолдирилди. Шундан 4900 боши урғочи кўзилар, 200 таси эса насли кўчқорлардир.

Бегали Қошқинбоев бошлиқ отар қўйчивлари эса совриндорлар ичидан совриндор. Ҳаётининг 45 йилини чорвачилик ривожига бағишлаган, айна пайтада ёши 70 ни қоралаб қолган бўлишига қарамай ҳамон яйлов кезмаси еган нони, ичган оши татимайдиган Нурчабой оғанинг фарзанди Бегали ҳам отасидай зуваласи пишиқ йигит.

Умуман, Қошқинбоевлар сўлоласи чорвачиликка чин дилдан ихлос қўйган кишилар. Бегалининг укалари Нурали ва Эрали, синглиси Жулдузой ҳам чўпонлик касбини танлаб, иқболни Қизилқумдан топганлардан.

— Ҳозир халқимизнинг иқтисодий аҳволи оғирлашгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ўз навбатида қишнинг қаҳратонидан, баҳор ёмғирлари остида, саратоннинг жазирамасида сурув ортдан юрвучи чўпон-чўликларга кўнгилли яшаш шароити яратишни ҳам оғирлаштираётган бўлса керак. Шундай пайтада уларга бу борада қандай ёрдам кўрсатилмоқда? — савол ташладик ферма мудир Бўрибой Ёқуббоевга.

— Отарларимизда кошарлар, қўралар ҳамша таъмирлаб турилади. Ичимлик сувини уларга транспорт воситасида етказиб турибмиз.

Тўғри, кейинги пайтларда қурилиш материалларини танқислиги бизга ҳам салбий таъсир кўрсатапти. Бироқ, шунга қарамасдан биз излаб тadbир топяпмиз. Илгари тўрт хонали ҳашамдор чўпон уйлари қуриш авж олиб кетганди. Ҳозир эса бундай

иморат қуриш йўқ. Кўрпанга қараб оёқ узат, деганларидек, шароитдан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларида чўпонларга 2 уй, бир даҳлиз қуриб бераёلمиз. Ахир нима кераги бор, ортиқча даҳмазанинг... — деди у.

МАНА, иккинчи ферма бош чўпони Суявбой Ермековнинг чўлдаги уйига ҳам етиб келдик, — деди давлат хўжалиги зоотехниги Қуатбек Байқиев машинадан тушарканмиз.

Баланд қир устига қурилган мўъжазликда уй атрофига назар ташлаймиз. Бир томонида учта туя ўтлаб юрибди. Иккинчи томондаги қўра четига сугир боғланган. Ундан сал нарироқда беш-олти товуқ дон талашиб, қақиллашади. Узоқ-узоқлардан қўйлар суруви кўзга ташланади. Ҳойнаҳой, улар Суявбойнинг сурувлари бўлса керак.

Шу пайт уй эшиги очилиб, кўринишдан ёши элликлардан ошиб қолган, тетик ва бардам, истараси иссиқ аёл бизга пешвоз чиқди.

— Сизга меҳмон олиб келяпман, — деди бош зоотехник опа билан қўл бериб кўришаркан.

— Меҳмон келса бош устига, — деди опа чехрасидан нур ёғилиб.

— Опа ҳамроҳларим Қуатбек Байқиев билан ҳам, қатор йиллар Конимех туман партия кўмитасининг иккинчи котиби, вилоят халқ назорати кўмитаси раиси бўлиб ишлаган, кўпчиликнинг талаби билан ҳозирги пайтада пенсияга чиқса ҳам агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Конимех туман кўмитаси раиси бўлиб ишлаётган Алибек Отахонов билан ҳам эски қадрдонлардек сўрашди.

Ирисгул опани бутун Қизилқумликлар яхши танийди, — деди Алибек оға менга юзланиб, — аёл боши билан 40 йил бош чўпон бўлган. Ҳалол меҳнатлари вазига эл ҳурмати қозонган. Қатор нишонлар олган. «Волга» автомашинаси билан ҳам мукофотланган...

Сухбатдан маълум бўлишича, опа икки йилдан буён пенсияда экан. Хўжалик марказида ҳашаматли уйи бор. Аммо унда тургиси келмасмиш...

— Чўлга ўрганиб қолганман. Ҳамон сурув орқасидан юргим келади. Урганган кўнгил, деганлари шу бўлса керак... Уйда ўтирсам сўқилиб кетаварман. Бироқ шу йилдан оёқ қурғур итоат қилмай қўйди. Сурув ортидан кўп юрганлигининг таъсири бўлса керак. Майли, болаларим омон бўлишин, уларга чой дамлаб, овқат тайёрлаб бериб юрсам ҳам хурсандман, — дейди Ирисгул опа.

Сухбат чоғи Ирисгул опа дастурхонни чорвачилик неъматлари билан тўлдириб ташлади. Ҳозиргина тандирдан узиб олинган бугдой нон ҳиди димоққа урилди. Чинни косаларга қўй, сугир қатиғи, қимиз сузилди.

— Худога шукур, совхоз марказидан анча узоқда бўлсак ҳам озиқ-овқатдан қийналганимиз йўқ, — деди опа иссиқ нонни синдиришаркан.

Ташқарида мотоцикл шовқини эшитилди. Зум ўтмай қотмадан келган бўйчангина йигит эшиқдан бош сўқди.

— Ирисгул опа чўпон таёғини мана шу ўғли Суявбойга топширган, — дейди бош зоотехник. Суявбой ҳам даврага қўшилди.

Бу йил эса у бошлиқ отар чўпонларининг «хирмони» янада юксалди. 670 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 120 тадан кўзи олишга эришиб давлат хўжалигидагина эмас, балки районда ғолибликни эгаллашди. Бу ютуқда ёрдамчи чўпонлар — Суявбойнинг турмуш ўртоғи Рўза Утепова ва Хидир Пўлатовларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор, албатта.

— Фарзандлар нечта? — сўрадик Суявбойдан.

— Бешта. Мана тўртинчимиз Эрдон, етти яшар, — деди у.

— Эрдон, катта бўлсанг ким бўласан? — сўрадик ундан.

— Чўпон бўлмайман, ўқийман, дейди, — деди Ирисгул опа.

Ким билади, чўпонлиқнинг машаққатли меҳнати чўпон ўғлини анча

чўчитиб қўйгандир. Балки илмли бўлишни ният қилаётгандир, болакай. Суявбой биздан уэр сўради-да, яйловга отланди.

НАСЛЧИЛИК заводи директори Жандулла Букаев ва касба уюшмаси кўмитаси раиси Қолдирбек Қосимовлар билан давлат хўжалигида бозор иқтисодиётига ўтилаётган шу мураккаб шароитда аҳволни ижтимоий ҳимоялаш қай тарзда йўлга қўйилаётганлиги тўғрисида суҳбатлашдик.

Маълум бўлишича, айна пайтада хўжаликда 530 оила истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти чўпон-чўликлар.

Одатда чорвачиликни сердаромад соҳа, чорвадорларни эса анча бадавлат кишилар, деб атайдилар. Бироқ, янги жамиятни қарор топтириш давридаги иқтисодий қийинчиликлар, нарх-навонинг ўсиб бораётганлиги чорвадорлар ҳаётида ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда.


Чорвадорларнинг кўпчилиги давлат уйларида яшайдилар. Президентимиз фармонида биноан ҳозирча хўжаликда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши ногиронлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, кўп болали оилалар ва ёлғиз кишилардан иборат 64 оилга яшаб турган уйлари текинга шахсий қилиб берилди. Ана шундай оилаларга хўжалик маблағи ҳисобидан 367 минг сўмлик ёрдам берилди. 687 бош майда мол, 79 тонна омухта ем, 623 тонна дағал хашак, 17 тонна бугдой имтиёзли нархларда сотилгани ҳам хўжалик дирекцияси ва касба уюшмасининг шундай бир қийин вазиятда меҳнаткашларга чинакам ғамхўрлик кўрсатишаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирги кунда наслчилик заводи марказий кўрғонини ва унга туташ иккинчи фермани табиий газ билан таъминлаш масаласи илгари сурилмоқда. Яқинда чорвадорлар эзгу орзусининг ушалиши йўлида дастлабки қадам ташланди. 300 хонадоннинг газлаштирилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Материал учун тегишли жойга хўжалик кассасидан бир миллион сўм кўчирилгани чорвадорларни қувонтирмоқда.

Чорвадорнинг ташвишлари тугамайди. Айниқса, чўпонлар йилнинг 12 ойида тиним билмайдилар. Қўй дегани қимирлаб, қовшаб турадиган жонивор. Шундай бўлмаса у кунига ўртача қирқ километр йўл босармиди? Жумҳуриятимиз мустақил бўлди. Президентимиз бошчилигида ана шу мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида катта ва дадил қадамлар ташланапти. Истиқлол ичра истиқбол сари боряпмиз. Конимехлик чорвадорларнинг ҳам ана шу истиқболдан умидлари катта. Шу туйғуларни қийинчиликларни вақтинчалик билиб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, шу йўл билан бозор иқтисодиётининг бу борадаги муаммоларини бартараф этиш учун астойдил курашмоқдалар.

...Давлат хўжалигидан тун қоронғисидан қайтдик. Юлдуз нуридан осмон чароғон. Шунда касба уюшмаси кўмитаси раиси Қолдирбек Қосимов бизни таништирган давлат хўжалиги музейидаги шу ердан етишиб чиққан беш меҳнат қаҳрамони, 36 йил Конимех давлат наслчилик заводида директорлик қилиб, унинг шухратини оламга ёйган Шопек Кузембаев, завод юксалишига муносиб ҳисса қўшган чўпонлар Қали Айдаров, Жусуп Қорабоев, Мирзали Жанабаев, Жақип Садировларнинг суратлари кўз ўнгидан ўтди. Уларни Қизилқум осмонини ёритиб турган ана шу юлдузларга қисс қилдим. Негаки, конимехликлар ҳамон уларнинг номларини чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар. Чунки, бу машҳур чорвадорларнинг руҳлари ҳамша уларга мададкор...

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ишонч» мухбири.



## ТАБИЙ ГАЗ — ҲАР БИР ХОНАДОНГА

ОҚҚўРҒОНГА табиий газ келганига сал кам ўттиз йил бўлди. Шаҳарликлар хонадонлари 100 фоиз, қишлоқлардаги уйлarning 70 фоизи табиий газ олди. Президентимиз И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони мамнуният билан кўтиб олди ва амалда бажаришга киришдик. Бу тadbир қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ғамхўрликдир.

Навой, Ҳамид Олимжон номидаги «Озод», «Маданият», «Гулистон», «Қаҳрамон» жамоа хўжаликлари, Оққўрғон шаҳри, Олимкент кўрғонидаги хонадонлар табиий газдан фойдаланмоқда. Энди навбат туманимизнинг «Ўзбекистон», «Ойтағали», «Ҳанқа», Акмал Икромов, Охунбоев номли жамоа хўжаликлари, «Оққўрғон», Султон Сегизбоев номли давлат хўжаликлари қишлоқларида табиий газ олиб келишдан иборат.

Туман ҳокимлиги «Тошвиллоятгаз» бошқармаси раҳбарияти бошлаган ҳар бир яхши ишни қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг ниятимиз газ қурилиши ишларида аҳолига енгиллик яратиш йўларини қидириб топиш. Шу ўринда яхши самара бераётган бир ҳамкорлигимизнинг айтиб ўтмоқчиман. Масалан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Э. Ниёзов шу йил бошида ташаббус билан чиқиб, хўжаликни табиий газ билан таъминлаш учун 36 миллион сўм маблағ ажратди ва биз билан шартнома асосида ҳамкорликни бошлади. Биз ҳам унга пешвоз чиқиб, хўжалик ҳисобида ишлайдиган қурилиш бригадаси туздик. Қурилиш материалларини етказиб бердик. Республикаимиз Мустақиллигининг 2 йиллиги ва газчиларнинг касб байрами арафасида хўжаликка «зангори олов» келди.

Олимкент кўрғонида газ иншоотларини қайта таъмирлаш учун давлат томонидан 50 млн сўм маблағ ажратилди. Олимкент кўрғони билан Оққўрғон шаҳрининг газ қувурларини туташтириб, ҳалқа ҳосил қилиш ва шу йўл билан шаҳарда газ таъминотини яхшилаш учун ҳаракат қилинмоқда.

Ҳамкасб дўстларимни байрам билан муборакбод этаман, уларга сиза-саломатлик, ишларида ривож тилайман.

Неъматулло ЕРАЛИЕВ,  
Оққўрғон тумани  
газлаштириш ва газ билан  
таъминлаш идораси  
бошлиғи.



УЛУФ олим, математика, астрономия, минерология, геодезия, тарих фанлари ривожига катта ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний 973 йили Хоразмда туғилиб, 1048 йили Афғонистоннинг Ғазна шаҳрида вафот этган. Беруний ижоди билан шуғулланиш асосан иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошланди. 1948 йили Тошкентда Беруний вафотида 900 йил тўлиши муносабати билан катта йиғин бўлиб ўтди. Бу анжуман натижасида республика матбуотида мақолалар, ҳатто тўпламлар нашр этилди. Беруний асарларидан намуналар, чунончи, «Урта Осиёнинг буюк олими» (1950) тўплами ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Аввало Абу Райҳон Беруний меросини ўрганиш борасида жаҳон халқларининг, донишмандларнинг хизматлари буюкдир. Жаҳонда бўладиган ҳар қандай илмий анжуманларда Абу Райҳон Беруний илмий мероси ўрганилиши зарурати таъкидланди, шунинг натижасида уни ўрганиш чуқурлашди. Беруний меросини тадқиқ этишга қадри умрини сарф этган Эдвард Захау, Солим Кренков, Жалол Хумоий, Акбар Доно Сиришт каби қатор фарбу шарқ олимларининг номини ҳурмат билан эсламоғимиз шарт.

Мана бир неча йилдирки, Тошкентда ҳам Ўзбекистон Фанлар Акаде-

миясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида алломанинг мавжуд барча асарларини ўзбек ва рус тилларида нашр этиш иши бошлаб юборилган. Ҳозирги кунда унинг етти катта жилди ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

1957 йили Абу Райҳоннинг йирик асари «ал-Осор ул-боқия ан-ил-қурун ал-халия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») Тошкентда рус тилида нашр этилди. 1968 йили бу асарнинг арабчадан ўзбекчага А. Расулов томонидан қилинган таржимаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида нашр этилди. Олимнинг иккинчи йирик асари «Таҳқиқу молил ҳинд» («Ҳиндистон ҳақида таҳқиқлар») 1963 йили

нинг учинчи жилди эди.

Шу тариқа Беруний меросига қизиқиш борган сари кенг тус ола бошлади. Йил сайин аллома меросига бағишланган анжуманлар юзага келди. 1973 йил Тошкентда алломанинг туғилганига минг йил тўлиши муносабати билан улкан конгресс ўтказилди. Бу анжуманга хорижий мамлакатлардан меҳмонлар даъват қилиниб, аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган ажойиб ва қимматли маърузалар ўқилди. Минг йиллик юбилей арафасида Тошкентда бир неча йил давомида Абу Райҳон Беруний меросини ўрганишга бағишланган анжуманлар ташкил этилди ва унда ўқилган маърузалар алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

## БУЮК МЕРОС

БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИГА 1020 ЙИЛ ТЎЛДИ.

арабчадан рус тилига таржима қилинди. (Таржимонлар Анас Холидов ва Юрий Завадовский эди).

1965 йилга келиб бу асар арабчадан ўзбекчага таржима қилинди. (Таржимонлар Юнусхон Ҳакимжонов, Ғиёс Жалолов ва Абдуфаттоҳ Расулов, унинг маъсул муҳаррири, муқаддима ва изоҳлар муаллифи — камина). Абу Райҳон бу асарини ҳозирги Афғонистонда ва Шимолий Ҳиндистон ерида яшаб ижод этган эди. Бунда аллома ҳинд тарихи, фалсафа фани, дини, уларнинг ранг-баранг эътиқод ва урф-одатлари, тушунчалар, ривоятлари ҳақида шундай берилиб ва тушуниб ёзган эдики, натижада бу асар ўз замонасидан тортиб, то шу пайтгача Ҳиндистон ҳақида ёзилган тенги йўқ нодир асарлардан бири бўлиб қолди.

1982 йили Абу Райҳоннинг «Таҳдиду ниҳоят ул-амокин ли тасҳиҳ масофат ал масокин» — «Тураржойлар (орасидаги) масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш (геодезия)» асари олам юзини кўрди (таржимон Ашраф Аҳмедов). Бу Беруний сайланмалари-

1974 йилга келиб Абу Райҳоннинг «Китоб ас-сайдана» асарининг русча таржимаси (таржимон Убайдуллоҳ Каримов) чоп этилди. Бу эса Абу Райҳон сайланмаларининг тўртинчи жилди эди.

Абу Райҳоннинг «Сайдана» асари ёзилиши муаллиф умрининг охиригача даврига тўғри келарди. Ҳаётининг поёнида ёзилган бу ажойиб асар муаллиф йўлаган тарзда битмай қолди, унинг мукамал бўлишига устозидан ажралиб қолган шогирдларнинг қурби етмади. «Сайдана» машғулурига эътибор берилса, бу асар Абу Райҳоннинг «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат жавоҳир» («Жавоҳирларни билиш учун тўплам китоби») каби ажойиб ва ноёб китоб бўлиши шубҳасиз эди. Аввал у ўз асарини мавзунини ёзади, сўнг у ҳақда илмий китобларда мавжуд маълумотларни жамлайди, сўнг бу модда ҳақидаги халқ ижодида мавжуд бўлган ҳикоят, нақл, қисса, воқеа, байтлар келтирилади.

Абу Райҳоннинг бизда нашр бўлган сайланмаларининг бешинчи жилдига эса унинг ҳайъат илми — астрономияга оид йирик асари «Қонуни Масъудий» кирган эди. Бу асар асли-

да ўша давр ҳукмдори бўлмиш Маҳмуд Ғазнавийнинг (вафоти 1030) ўғли Масъуд номига аталиб ёзилган. Асар ҳажм жиҳатидан улкан бўлгани учун бизда икки йирик-йирик жилдларга бўлиб нашр этилди.

Абу Райҳоннинг олтинчи жилд асари «Китоб ат-тафҳимли авоил синоат-танжим» — «Юлдузшунослик санъати негизларини тушунтириш китоби» бўлиб, 1975 йили рус тилида чоп этилди. Берунийнинг бу асари Фаробий матни билан 1973 йили Душанбеда ҳам чоп этилган.

Абу Райҳон Берунийнинг Тошкентда чиққан яна бир жилд асарига алломанинг математика ва астрономияга оид уч дона рисоалари кирган. Бу унинг еттинчи жилди эди.

1963 йили Москвада Абу Райҳон Берунийнинг бошқа йирик асари «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» (Жавоҳирларни билиш учун тўплам китоби) асари рус тилида чоп этилди. Бу асарнинг арабчадан ўзбекчага шу сатрлар муаллифи бажо келтирган таржимаси ҳозир нашр этишга тайёр қилиб қўйилганига анча йил бўлди, лекин қоғоз танглигига учраб ҳалигача босилиб чиққанча йўқ.

Булардан ташқари эллигинчи йиллардан бошлаб бу борада яна жуда кўп китоблар, рисоалар, таржималар нашр этилди. Буларга, ўз даврининг буюк алломалари Абу Райҳон Беруний билан Абу Али ибн Сино (980—1037)нинг фалсафий савол-жавоблари — арабча матни билан ўзбекча таржимаси ҳам кирди (1050).

Бу ерда шунини таъкидлаш керакки, Абу Райҳон меросини ўрганиш ишида улғувор анжуманлар бўлиб туриши жуда савобли ва олижаноб иш, улар келажакда улкан самара бериши мумкин.

Мана бу йил улғу аллома Абу Райҳон Берунийнинг туғилганига 1020 йил тўлади. Шу муносабат билан халқимиз ўзининг бундай буюк ўғлонлари меросини атрофлича ўрганишга чоғланадилар ва уларни ўз аҳлига етказишга доимо саъй-ҳаракатда бўладилар.

Абдусодиқ ИРИСОВ,  
Шарқшунос олим.

Қуйида Абу Райҳон Беруний хикояларидан намуналар ўқийсиз.

## ЧОЛ ВА ЧУМЧУК

Бир чол чумчук тутиб олибди. Шунда чумчук тилга кириб ҳалиги кишига:

— Мени нима қилмоқчисан? — дебди.

— Сўйиб емоқчиман, — дебди чол.

— Мен билан тўймайсан, — дебди чумчук, — чунки мен сенга лўкма ҳам бўлмайман. Борди-ю мени кўйиб юборсанг, мен сенга учта ҳикматли сўз айтиб бераман, амал қилсанг, ундан катта фойда кўрасан.

Чумчук айтган фикр чолга маъкул тушибди. Шу билан қасам ичишиб келишибди. Кейин чол унга:

— Қани ўша ҳикматли сўзларингни айт-чи! — дебди. Шунда чумчук:

— Утган ишга ҳеч қачон пушаймон қилма, қўлга киритишинг мумкин бўлмаган нарсага ҳаракат қилма, аклинг ишонмайдиган ишга ҳеч ишонма, — дебди.

Чол ўзича ўйлаб:

— Буни «ейишдан кўра, айтганини қилсам яхшироқ эмасми? — дебди ва чумчукни бўшатиб юборибди.

Чумчук бўлса қафасдан чиқиб, учиб бориб деворга кўнибди:

Шунда:

— Э, чол, агар айтганингда каттик туриб, мени сўйиб еганингда эдинг, ичимдан каптар тухумидай бир марварид чиқарди, — дебди чумчук чолга.

Чол буни эшитиб, чумчукни кўйиб юборганига пушаймон қилибди. У чумчукни алдаб, қайтариб қафасга солиб олмақчи бўлибди, шунинг учун чумчукка қараб:

— Кел, қайт жойингга, мен сен учун кунжут уруғини тозаллаб, муздек сув ҳам тайёрлаб қўйибман, — дебди.

Чумчук бўлса чолга қараб шундай дебди:

— Эй шўрлик одам боласи, сен мени сўёлмадинг ҳам, сўёлмадинг ҳам, ҳатто мен айтган гапга амал қилолмадинг. Сен мени кўйиб юборганингга ачинайсан, уриниб мени ўз жойингга қайтармоқчи бўлаясан, лекин бу иш энди қўлингдан

келмайди. Ундан кейин ҳам ўйлаб ҳам кўрмадинг бутунлигимча каптар тухумидай келмайману жигилдоним қандай қилиб ўзидан катта нарсани сиғдира олади?

Чумчук шундай дебди-ю, чол билан хайрлашиб қаёқларгадир учиб кетибди.

Чол оғзини очиб анграйганича қолаверибди.

## ТУЯКАШ

Ал-Маъмун ал-Восиқни<sup>1</sup> яхши кўриб, унинг тарбиясига каттик киришган эди. Бир гал сафарда у билан ёнма-ён кетаётган экан. Туякаш ашула айтиб туяларни хайдай бошлабди. Шунда Маъмун ўғли ал-Восиқни уйқусидан уйғотиб кўйишдан чўчибди. У туякашга ашула айтмагин, деб бакиришдан андишага бориб, тасбеҳининг ипини узиб, ундаги марварид донларини биринкетин то теккунча отаверибди. Туякашга марварид донаси тегиб, Маъмунга ўгирилган экан, у жим бўлишга ишора қилибди, кейин эрталаб Маъмун ишонган кишилардан бирини ўша марварид отилган жойга жўнатиб, сочилган марварид донларини тердириб олибди. Марваридлар худди отилган тошлар каби тушган жойида ётган экан.

## ЁКУТ ҚИЙМАТИ

Халифа ар-Рашид гавҳарларга каттик берилиб, уларни қўлга киритишга жуда хире қўйган экан. У ал-Киндийнинг буваси ас-Саббох заргарни Сарандиб<sup>2</sup> подшоҳига юбориб, унинг мамлакатидан қимматбаҳо тошларни харид қилиб келтиришни тайинлабди. Сарандиб подшоҳи иззат-икром билан уни қабул қилиб, хазиналаридаги жавҳарларини кўрсатибди. ас-Саббох бу қимматбаҳо жавоҳирларни қабул қилатуриб, уларнинг кўплиги ва улғуворлигини кўриб, хайратда тонг қотибди, ниҳоят, хазинада унинг қўлига бир кизил ёқут тушиб баттар ажабланибди, чунки у бундай ёқутни бошқа ҳеч қайси подшоҳлар хазинасида кўрмаган экан. Шунда Сарандиб подшоҳи:

— Шунга ўхшаганини умрингга кўрганми-сан? — дейди.

— Йўқ, — дейди у, — Худо ҳақи, кўрган эмасман.

Подшоҳ унга:

— Ҳамма заршунослар унинг қийматини белгилашга ожизлик қиладилар, унга қиймат бериш қўлингдан келадими? — дебди.

— Қўлимдан келади, — дейди ас-Саббох.

Бу жавоб подшога ёқинкирамабди. У дебди:

— Аклингга қойил қолиб турган эдим, лекин фаросатсизлик қилиб янглишган эканман, чунки сен ҳамма ожизлик қилган нарсага даъвогар бўлаясан.

— ас-Саббох бўлса:

— Фаросатинг хато қилгани йўқ, — дебди, — агар истасанг, мен ўзимни оқлаб кўраман. Ҳузурингга барча жавоҳиршуносларингни тўпла.

Шоҳ жавоҳиршуносларни йиғибди.

ас-Саббох: — Бир чойшаб келтиринглар, уни ёйиб, тўрт киши тўрт томонидан кенг жойда ушлаб турсин, — дебди. Кейин ўша ёқутни чойшаб тепасига бор кучи билан отибди. Ёқут ҳаволашиб чойшаб устига тушгач, подшоҳга қараб:

— Бу ёқутнинг қиймати шундайки, ердан осмонга отилганда то етган жойигача уйилган олтин билан баробар бўлиши керак, — дебди.

Йиғилганлар унинг гапини эшитиб, офарин айтишибди. Улар назарда ас-Саббохнинг обрў-эътибори ортибди, подшоҳнинг ҳам фикри ўзгарибди. Подшоҳ унинг оғзини<sup>3</sup> ажойиб гавҳарлар билан тўлдиришни буюрибди.

<sup>1</sup> Ал-Маъмун — Аббосий халифаларидан 813 йили тахтга минган. Ал-Восиқ 842 йили тахтга минган халифалардан.

<sup>2</sup> Сарандиб — Цейлон.

<sup>3</sup> Қадимда мукофот тарзида шундай қилинган. «Оғзини тўлдириш» берилган мукофот қиймати, ҳажми тарзида тушунилган. «Оғзингга сикқанча сўра» ибораси ҳам шундан келиб чиққан бўлса эҳтимол.



Саволларга Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлигининг бош мутахассислари Хулкар Файзуллаева билан Муқаддам Ҳасанбоевалар жавоб беришади.

*Менга тегишли ҳужжатларда исми икки хил ёзилган. Шу ҳужжатларни менга тегишли эканини қандай қилиб асослашим мумкин?*

**Н. ҲРИНБОЕВА,**  
Жиззах вилояти,  
Ғаллаорол тумани

Шахсингизни тасдиқлайдиган ҳужжатларин-

гиздаги ўзгаришларни кўрсатиб, ўзингиз яшаётган туман халқ судига ариза билан мурожаат қилишингизга маслаҳат берамиз. (Ўзбекистон Республикаси гражданлик процессуал мажмуасининг 298-моддасига асосан).

*Мен 1993 йил 10 сентябрда 60 ёшга тўламан. Пенсия тайинлашларини сўраб қаерга мурожаат этишим керак?*

**Аҳат ҲАМДАМОВ,**  
Қашқадарё вилояти,  
Ғузор тумани.

енсия тайинлашларини сўраб охириги иш жойи маъмуриятига мурожаат қилишингиз керак. Маъ-

мурият ариза тушган кундан эътиборан 10 кун ичида иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштириб ижтимоий таъминот бўлимига топширади. Агар пенсия ёшига етган шахс ҳеч қаерда ишламаса пенсия тайинлаш масаласида яшаб турган жойидаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиш мумкин.

*3 фарзандим бор. Ёшим 52 да, иш стажим 10 йил. Турмуш ўртоғимни чет элга ишга юборишган. Менинг у ерда яшаб, ишлашга имкониятим бўлмади. Қариллик пенсиясига чиқишим учун неча йил иш стажи талаб қилинади?*

**Розия АЛИЕВА,**  
Самарқанд шаҳри.

Янги Қонун бўйича 55 ёшга етмаган аёлларга

камида 20 йил иш стажига эга бўлганларида қариллик пенсияси тайинланади. Янги Қонунда халқаро ташкилотлари ходимларининг хотинлари бекор қолган 6 йил доирасидаги вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

*Кунни кеча қабул қилинган «Ўзбекистон республикаси давлат пенсияси тўғрисида»ги қонун аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз?*

**Гулноза ҲАЙДАРОВА,**  
Наманган вилояти,  
Коросон қишлоғи.

Авваламбор янги Қонунда кўпгина моддалар ҳажми қисқартирилиб ихчамлаштирилган. Шунингдек, янги турдаги қонун имтиёзли пенсиялар микдори билан тўлдирилган.

Аввалги қонун бўйича пенсия микдори ўртача маош ҳисобидан белгиланган бўлса, янгисида расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур микдордан келиб чиқиб белгиланади.

Янги Қонуннинг яна бир афзаллиги шундаки ишлаб турган пенсия олувчига ойлик иш ҳақи ёки бошқа даромадидан қатъий назар тўлиқ микдорда тўланаверади.

*Меҳнат стажи ва иш ҳақи эга бўлмаган қарияларга қай микдорда пенсия тайинланади?*

**Турди ЭРМАТОВ,**  
Тошкент вилояти,  
Чирчиқ шаҳри.

Янги қонун бўйича меҳнат стажи эга бўлмаган қарияларга ижтимоий пенсия эркаклар учун 60

ёшдан, аёллар учун 55 ёшдан тайинланади. Пенсия микдори эса расман белгиланган тирикчилик учун зарур микдорга тенг бўлади. Масалан, республикамизда бу микдор ўн минг сўм қилиб белгиланса, юқоридаги қариялар худди шу микдорда пенсия олаверадилар.

*Биз 15 январь 1992 йилда никоҳдан ўтиб 24 январь 1992 йил туман марказидаги «Ёшлик» дўкони ёш келин-куёвлар бўлимидан 1133-сон билан мебель олиш учун рўйхатдан ўтдик. Навбатимиз 3 ноябрь 1992 йилга тўғри келди. Биринчи марта оила қурган ёш келин-куёвларга бериладиган энгилликлардан қай тарзда фойдаланишимиз керак?*

**А. МАВЛОНОВ,**  
Қашқадарё вилояти,  
Ғузор тумани.

Республикамиз Президентининг 8 октябрь 1992 йилги давлат бюджетида бўлган ташкилотларнинг ходимларининг иш ҳақи, нафақаларини ва стипен-

дияларини ошириш тўғрисида»ги фармонининг 8-моддасига асосан навбатингиз 1 октябрь 1992 йилда келганлиги сабабли мебель олишингиз учун 5000 сўм энгиллик берилган.

*Мен Халилова Муҳаббат — 50 ёшдан. 15 йиллик иш стажига эгаман. 6 та фарзандим бор. Неча ёшда қариллик пенсиясига чиқишим мумкин? Янги қонунда болалик аёлларга пенсия тайинлашда имтиёзлар кўзда тутилганми?*

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги янги Қонунда 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, 8 ёшгача тарбияланган аёлларга 50 ёшга етганларида камида 15 йил иш стажи билан қариллик пенсияси тайинланади. Шунингдек, аёлларнинг

болалари 3 ёшга тўлганга қадар даври 6 йил доирасидаги вақтини иш стажига қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилган. Яъни она бола туғанидан кейин ишлаган, ишламаганлигидан қатъий назар икки боласи учун 6 йил доирасида бекор ўтирган вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

*Шу йили май ойида 55 ёшга тўлдим. Июль ойида пенсия тайинлашларини сўраб ижтимоий-таъминот бўлимига тегишли ҳужжатларни топширдим. Менга қайси пайдан бошлаб пенсия тўланиши керак?*

**Д. ҲОШИМОВА,**  
Сурхондарё вилояти,  
Бойсун тумани.

Кексалик пенсияси пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади ва тўланади.

Демак Сиз кексалик пенсиясини май ойидан, яъни 55 ёшга тўлган кунингиздан бошлаб олавершингиз мумкин.

Саҳифани котибият тайёрлади.



## САРАТОНДА

ПАЙКАЛ кезаман. Қуёш йўларимга йўлдош, ҳамоҳанг. «Ошпаз, сенга қанча олов керак?» дегандек тепамдан нур сели билан савалаб, қиздиради.

Юзларимда милтираган тернинг ҳиди дим ҳавога қўшилиб, нафасни қайтаради. Дим ҳаво ҳосилларга малҳамдек ёқиб тетиклик бағишлайди. Ҳосил қиёмига етиб, қутнинг баракаси ошади.

Тасма-тасма эгатлар ҳатлаб пайкал эгатига яқинлашаман. Ана холос, кўрсичқон кавлаган тупроқ бир эгат сувини тўсиб, тоширибди. Ариққа сув очиб, ўз йўлига жилдиратай. Шояд сувсизликдан қовжираган бағзи палаклар қайтадан қўҳлаб кетса. Чунки бужмайган юзларидан: «Ҳил гафлатда қолдинг, меҳринг оловига тўймадик», деган таънасини уқийман. Хушёр тортаман. Чилланнинг иссиғини соғлом экин ёқтиради, деб бежиз айтишмаган-да.

## БЕВАФО

— СОҒ бўлсинлар-ей, ширин забоним,— дея гунчани эркалайди барг.

— Паноҳингда авайла, жоним,— уқдиради шоҳ унга.

Барг кўҳлик, сулувгина эмасми, собҳидамда эсан ел ўнинг атрофида парвона. Ишқ розини қулоғига шивирлар: «Кўнглинг тусанган жойга олиб борурман, юрак дардимни ол», дейди. Барг ҳавога тўла пуфакдек ҳадялар оғушида маст.

Ел барг билан ўйнаша-ўйнаша охири қайгадир ғойиб бўлади. Йўлга учиб тушган баргнинг афсуси ичида. Узини қайга урсин, энди бефойда!

— Бевақт ҳазон бўлибсан,— дейди супирги баргни чанг-тўзонга қўшаркан.

## ҚУШ ВА ДАРАХТ

ҚУШ уя қуриб бола очди. Кўм-кўк барглари оғуши, шамоллар беланчагида чуғур-чуғурлашиб палпонлари учирма бўлди.

Дарахт қариди, қуриди, аммо қуш ичини тарк этмади.

Дарахт шамол хуружига чидолмай қарсиллаб сунди. Аммо бечора қуш вайрона ин ёнида «чирқ-чирқ» парвона.

— Гўл экансан. Дарахт қуригач, дарров кўм-кўк жойларга учиб кетвормайсанми?— дейди сассиқпопушак дакки бериб.

— Қуримасдан яшилликда кетмаган, энди қуригандан кейин ташлаб кетишга кўнглим бўлмайётир— дейди қуш.— Юртдан ҳам уяламан.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,  
боғбон.

УЙЛАНИШГА уйландиму омад курмағур кулиб боқмади менга, тинчлик бузилди, оромим йўк. Хотиним ҳусну малохатда бекусур, фақат унинг қуюшқонга сиғмайдиган ғалати қилиғу одатлари унчалик ёқинқирамайди. Ўта меҳрибонлиги, унар-унмасга ақл ўргатиб, танбеҳ беравериши жонимга тегди.

Бир куни нима дейди денг:

— Айланай, кўча-кўйга шу алфозда

Бу ҳам ўтди. Шу билан панд-насихати тугади, деб ўйладим. Қаёқда дейсиз...

— Уйкуга ётиш олдида оёқларингизни илиқ сувда юволинг, маза қилиб ухлайсиз,— деб кисталангизга олди.

Айтганини қилдим.

— Эртароқ туришга ҳаракат қилинг. Нонуштани шошилмай, бемалол қилиб оласиз. Ювинишдан олдин

ОВОЗЛАРИНГГА  
ҚОҚИНДИҚ...

чиқишни тўхтатинг. Дазмолланган, оҳорли кийимларингиз бор-ку, кийиниб олинг. Ахир палончининг эри деган номингиз бор, уят бўлади.

На чора, хотиним тўғри, ўринли гапни айтаяпти, деб ўйлаб айтганини қилдим.

Яна бир куни:

— Кўча-кўйда овқатланишни бас қилинг, маза-матраси бўлмайди. Унинг устига палон пул. Уйингизда овқатланишни ўргангиз. Бекорга сизга хотин бўлиб ўтирибманми? Хоҳлаган овқатингизни мазали қилиб пишириб бериш кўлимдан келади,— дейди.

— Хўп,— дедим,— айтганингни қиламан,— дедим.

эринмай озгина бадан тарбия қилиб олсангиз ҳам бўлади. Силлангиз қуримайди, бардам юрасиз. Хафа бўлманг, айланай, ман фойдангизни гапирман. Ҳа, айтгандай кўчадан ичиб келманг. Арақ— умринг эгови. Менга бир кун эмас, умр бўйи кераксиз, хўпми жоним? Қишда ёнгил-елпи кийинманг ҳеч, салга шамоллаб қоласиз...

Ҳеч қачон ҳеч кимдан ўгит-таъбир эшитмаганман. Хотинимнинг насиҳатлари ҳолдан тойдирди, чидаб туролмадим.

— Ҳей,— дедим унга ўшқириб,— жағ ўлгур тинадимми-йўқми? Худо хайрингни берсин, бирор кун тинч кўй, ўзим билганча яшайман мириқиб!

«ЭНЦИКЛОПЕДИЯ» сўзи юнонча «энкикрос, пайдея» сўзларидан олинган бўлиб, «билимларнинг ҳамма соҳасини ўргатиш» маъносини англатади. Уларда инсоннинг табиат ва жамиятга муносабати акс этади, у ёки бу даврдаги фан ва маданиятнинг тараққиёти даражаси намоён бўлади.

Энциклопедия-қомуслар икки турга — илми ва инсониятнинг амалий фаолиятидаги ҳамма соҳаларни ўз ичига олувчи кенг қамровли қомус ҳамда илми ва инсоният амалий фаолиятининг фақат биргина соҳасини ўз ичига олувчи тармоқ қомусларига бўлинади.

Шарқда ёзилган кенг қамровли қомусларга Абу Абдулло ал-Хоразмийнинг

СЎЗ ТАГИДА  
СЎЗ БОР

«Йиллар калити», «Фахриддин ар-Розийнинг «Йиллар мажмуаси» ва бошқаларни киритиш мумкин. Биринчи асар 93 бобдан иборат, шулардан тўрттаси аниқ фанларга бағишланган. Иккинчи асардаги 60 бобдан 13 тасида аниқ фанлар баён қилинган.

Тармоқ қомусларига ал-Берунийнинг «Қонун ал-Масъуд, Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо», «Донишнома», ал-Кошийнинг «Ҳисоб калити» ва бошқа асарларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, ўрта асрларда ёзилган, бизгача етиб келган қомусий тарздаги юзлаб математик асарларни ҳам эслатиб ўтиш лозим.

Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.

## Энг-омагар

Семиз, мўйловли киши черковда чўкинаётми:

— Эй худо, менга янги «мерседес» ато қилгин, ўтинаман, фақат «мерседес» деб илтижо қиларди.

Тасодифан орқасида турган кампирнинг сўзларини эшитиб қолди:

— Эй худо, пенсиямни ошириб бер. Озгина бўлса ҳам майли.

Семиз киши орқасига қараб:

— Ҳов, кампир, қанча пенсия оласиз?— дебди.

— Ун беш минг.

— Мана сизга юз. Энди боринг, бундай майда ишлар билан худони чалғитманг.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТОПҚИРЛИК  
МАШҚИ


1. Улугбек номидаги Халқаро кенглик илмий муассасаси жойлашган шаҳар. 2. Таниқли рақс дастаси. 3. Миллий мусика асбоби. 4. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 5. Вилоят маркази. 6. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони. 7. Алишер Навоий дostonида адолатли шох сиймоси. 8. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 9. Тошкент билан биродарлашган Шимолий Америкадаги пойтахт. 10. Мамлакатимиз жанубидаги чўл. 11. Сирдарёнинг ўнг irmoғи. 12. Усмон Носир дostonи. 13. Фарғона водийсидаги вилоят. 14. Ўйиб ёки буёк билан ишланган миллий безак. 15. Амир Темур Оксарой меъморчилик обидасини қурдирган тарихий шаҳар. 16. Зеб-зийнат буюмлари ясовчи хунарманд. 17. Қадимда савдо йўлларидидаги мустаҳкамланган манзил. 18. Мамлакатимиз худуди жойлашган пасттекстлик. 19. Сирдарё вилоятидаги камёб наботот ва хайвонот кўриқхонаси. 20. Кузда пишадиған мева. 21. Фарғона водийсидаги қуллочилиги билан танилган маскан. 22. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 23. Миллий цирк ўйини санъаткори. 24. Ўзбекистон ва Тожикистон худудларидаги водий. 25. Қадимий янги йил айёми. 26. Нон тури. 27. Жумхуриятимизда ташкил топган янги нашриётлардан бири. 28. Асосан Марказий Осиё жумхуриятларидан бирида яшовчи, қардош миллат.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Газетамизнинг 21 август сонида эълон қилинган «Топқирлик машқи»нинг жавоби.

Энига: 5. Хадис. 7. Қатар. 9. Нур. 10. Бож. 11. Гурзи. 13. Солик. 14. Абжад. 16. Рум. 18. «Ватан». 21. Хирот. 23. Нукад. 25. Йод. 26. Кун.

Бўйига: 1. Жануб. 2. Мирза. 3. Рабод. 4. Тожиқ. 6. Дур. 8. Тол. 12. Ибрат. 13. Саман. 15. Жут. 17. Тийин. 19. Нукус. 20. Каноз. 22. Ром. 24. Куз.



Харидор дўконга кириб сўради:  
— Айтингни, сизда қолбаса борми?  
— Бор.  
— Гўшт-чи?  
— Гўшт ҳам бор.  
— Товук гўшти ҳам борми?  
— Ҳа, товук гўшти ҳам бор.  
— Нима, устимдан куляпсизми?  
— Ўзингиз биринчи бошладингиз-ку.

Ёзги пансионатда дам олаётган меҳмон сўради:  
— Нимага бу қари чўчка менинг хонамга киришга боядан бери уриниб ётибди?

Кичкина Виктор шивирлаб тушунтирди:  
— Бу унинг қишда ётадиган хонаси-ку.

Қоқ туш пайтида бир хўранда ресторанга кирди ва жойлашиб ўтиргач официантдан сўради:

— Мана сизга чой пули. Хўш, менга нимани тавсия қиласиз?

Чой пулини олгач официант энгашиб шивирлади:

— Маслаҳатим шуки, сиз яхшиси бошқа ресторанга борганингиз маъқул.



## СЕНТЯБРЬ

### 6 ДУШАНБА

**УзТВ I**  
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. «Кўнрақлар — менинг дўстларим». 18.35 Таэквон-до бўйича Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари чемпионати. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Ислоҳот ҳақида суҳбатлар». 21.40 «Истеъод». Маъмурият Тўхтасинов. 22.40 «Юзма-юз». Бадий фильм. 1-серия.

**УзТВ II**  
18.30 «Ассалому алайкум» (Такор). 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Тоғлар». Телефильм. 20.10 «Билиб кўйган кўнрақ». 20.30 «Лаҳза». Хабарлар. 20.50 «Рақс соҳибаси». Фильм-концерт. 21.25 «Лаҳза». Хабарлар. 21.45 «Энди сизни ким деб аташ керак». Бадий фильм.

**ОРБИТА IV**  
17.50 «Аср сирлари». 4-кўрсатуви. 18.40 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.25 «Гол». 20.55 Е. Светланов. «Оддий суврат». 21.40 «Спорт уик энди». 21.55 «Янги студия» таништирати. «Джем-сейшн». Танафус пайтида (23.00) — Янгилар.

**ДУБЛЬ IV**  
17.00—19.00  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
19.00 Душанба кунини детектив. «Лаки страйк» таништирати. «Мулен Руж». Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан. 19.55 «Ҳақиқат онлари». 20.50 Спорт кўрсатуви. 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.30 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 «Орзиқиб кутилган кун». Хужжатли фильм. 21.35 «Кутқариш хизмати 911». 22.30 Криминал хабарлар экрани. 22.40 «Лад»-галерея. Мусавир Андрей Позднеев. 23.25 «Олмалар яна гуллади».

### 7 СЕШАНБА

**УзТВ I**  
5.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Билиб кўйган ахбороти». 7.50 «Лизюкова кўчасида яшовчи мушукча». Мультифильм. 8.00 Муҳаммадас маслаҳати. 8.10 «Куйла, менинг ашғилим». 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 «Шум бола». Бадий фильм. 10.30 Уқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий бойликлари. 11.00 «Юнус Ражабий». Телефильм. 11.30 Узбек тилини ўрганамиз. 18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. «Кўёшни кудирган қизалоқлар». 18.40 «Билдирсой». Телефильм. 18.50 Хиванинг 2500 йиллигига. «Аждодлар мероси — хазина». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Лирик концерт. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.40 «Жиноят жазосиз қолмайди». Фаргона вилоятидан кўрсатуви. 22.20 «Юзма-юз». Бадий фильм. 2-серия.

**УзТВ II**  
18.30 «Уолт Дисней таништирати...». Мультифильмлар тўплами. 19.20 «Ўзбекистон жилolari». Телефильм. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Хайр, ёш!» 20.50 «СВ-экспресс». Рок мусикаси ҳақида. 21.20 Эълонлар. 21.25 «Киноноғ». 2-серия.

**ОРБИТА IV**  
5.00 Янгилар. 5.35 Тонгги гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилар. 8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 «Инсон ва қону». 10.00 «Стартнейджер». 10.50 Матбуот-экспресс. 11.00 Янгилар. 11.20 «Усмир». Олти серияли телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.35 «Азизим». Телевизион бадий фильм. 13.50 Мультифильм. 14.00 Янгилар. 14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси». 14.40 «Конферсия ва бозор». 15.10 «Ен дафтар». 15.15 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.40 «Джэм». 16.10 «Стартнейджер». 17.00 Янгилар. 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Диаспора» кўрсатувини таништирати. «Арманлар». 17.50 «Технодром». 18.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 «Маъмурият». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.25 «Хеч нарса ҳақида репортаж». 20.40 «Катта театр. Кунлар ва оқшомлар» М. Глинка. «Шоҳга қурбон қилинган умр». Опера. 22.45 Крилатсковада эшак зинти бўйича марафон. 23.00 Янгилар. 23.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 23.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 2-тайм. Венгриядан оlib кўрсатилди. 00.45 «Матбуот-экспресс». 00.55 «М ТУ».

**ДУБЛЬ IV**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**

«Мени мистер Браун деб атанг». Бадий фильм (Австралия). 22.05 «Матбуот-экспресс». 22.20 «1993 йил кўшиқлари». Танафус пайтида (23.00) — Янгилар.

**ДУБЛЬ IV**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
11.00 «Чашмалар». 11.30 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. 12.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 12.55 «Гўзаллик сирин». Хужжатли фильм. 13.15 «Винил чангалзорлари». 13.45 «Бўйсунмас қупина». 14.15 Трансросэфир. «Ақволлар қандай, Уфа?». 15.00 «Рост» студияси. «Кунин узайтирилган гуруҳ». 15.30 Янгилар. 15.45 «Хўжайин». 16.30 «Жаноблар-ўртоқлар». 16.45 Спорт кўрсатуви. 17.00—18.50

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
18.50 Хонаки экрани. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 215-серия. 19.40 «Бал тугади». Балет-мейстер Георгий Алексидзе. 20.25 «Токиода учрашув». 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 «Менинг Догистоним». Расул Ҳамзатов. 21.55 «Мстислав Ростропович: «Менинг ҳаётим — рус мусиқаси». 22.35 Мусавир Наталия Шабалина. 23.05 Санкт-Петербург мусиқаси. «Оддий дўстлар».

### 8 ЧОРШАНБА

**УзТВ I**  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Мультифильм. 7.40 Кўшиқлар ва яллалар. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 «Кувноқ болалар». 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Турк тили. 9.40 «Ешлик» студияси. «Истеъодларни излаймиз». 10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Уқув кўрсатуви: Физика. 11.00 «Ота ўғиллар». Телефильм. 11.30 Уқув кўрсатуви: Ботаника. 18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. «Гўзал ёз хотиралари». 18.40 «Шерият дафтаридан». 18.55 «Элга хизмат». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.55 «Пахта теримини намунали ўтказайлик». 20.10 «Оқшом эртаклири». 20.25 «Анъаналар эъди давом». Мусиқий кўрсатуви. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига. Замонавий ўзбек халқ кўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Сўғдиёна» (Жиззах). 2-тайм (ёзиб олинган).

**УзТВ II**  
18.30 «Кувноқ жилolar». 19.05 «Спринт». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Ассалом, мактаб!». 20.35 «Ретро-концерт». 21.30 «Ҳаётини воқеа». Бадий фильм.

**ОРБИТА IV**  
5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилар. 8.20 «Тинглаб, томоша қилинг...». 8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 «Савдо кўприги». 10.00 «Қизча ва сиртлон». Телефильм премьераси. 10.20 «Джэм». 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилар. 11.20 «Авдӣ Сергей». Бадий фильм. 13.00 «Турмуш икки-чиркларини». Бадий телесериал. 15 ва 16-сериялар. 14.00 Янгилар. 14.25 «Телемист». 15.10 «Иш». 15.20 «Ен дафтар». 15.25 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.50 «Музографа». 16.10 «Қизлар ўртасидаги сир». 16.30 «700 клуби». 17.00 Янгилар. 17.25 Эфирда «Мир» Давлатлараро телерадиокомпанияси. «Салом, бу мен!» 17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатуви. 18.55 «Киношок-93» фестивалининг очилиши. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.25 «Хеч нарса ҳақида репортаж». 20.40 «Катта театр. Кунлар ва оқшомлар» М. Глинка. «Шоҳга қурбон қилинган умр». Опера. 22.45 Крилатсковада эшак зинти бўйича марафон. 23.00 Янгилар. 23.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 23.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 2-тайм. Венгриядан оlib кўрсатилди. 00.45 «Матбуот-экспресс». 00.55 «М ТУ».

**ДУБЛЬ IV**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Христианлар учун кўрсатуви. 8.25 «Менинг Догистоним». Расул Ҳамзатов. 8.55 «Токиода учрашувлар». 9.20 «Услуб». 9.50 Россия телевизион театри. Н. В. Гоголь. «III даражали Владимир». 1-қисм. 10.35 Хонаки экрани. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 215-серия. 11.25 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. 12.25 «Агар сиз...» 12.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.20 Кундузги сеанс. «Болохона». Бадий фильм. 14.40 «Параллеллар». 14.55 «Бал тугади». Балет-мейстер Георгий Алексидзе. 15.40 Янгилар. 15.55 «М-трест». 14.15 «Терминал». 14.45 Трансросэфир. «Орол». 15.30 Янгилар. 15.45 «Рост» студияси. «Космос сабоқлари», «Биринчи тайм». 16.15 «Рус ташрифи». 16.45 Спорт кўрсатуви. 17.00—19.00

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
18.55 Хонаки экрани. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 216-серия. 19.45 «Ишбилармон одам». 20.15 «К-клуб».

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.  
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.30 «Бизнес ва сибсат». 22.25 «Қшоша ҳузурда». 22.55 Театр сафари. «Гастроллар, гастроллар...».

### 9 ПАЙШАНБА

**УзТВ I**  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Ансамбль». Телефильм. 7.50 Мультифильм. 8.00 «Созимда севги васфи». Мусиқий кўрсатуви. 8.20 «Бухоро қоракўли». 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 «Матбуот саҳифаларида». 9.10 Араб тили. 9.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Уқув кўрсатуви: Физика. 11.00 «Ота ўғиллар». Телефильм. 11.30 Уқув кўрсатуви: Ботаника. 18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. «Табият алифбоси». 18.40 «Муаллим». «Ўзбектелефильм» премьераси. 18.50 «Урмонлар — бойлигимиз». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.55 «Осийшталик посбонлари». Республика ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.10 Оқшом эртаклири. 20.25 Мумтоз куйлардан концерт. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.40 «Ешлик» студияси. «Амир Темури йўлларида». 22.55 «Европа воқеаси». Бадий фильм. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**УзТВ II**  
18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.05 «Меҳр-шафқатли бўлайлик». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Олишув». Телефильм. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.15 «Тошкент оқшомлари». 21.30 «Пульс». Хабарлар. 21.45 Эълонлар. 21.50 «Киноноғ».

**ОРБИТА IV**  
5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилар. 8.20 Мультифильм. 8.30 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 2-тайм. 10.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилар. 11.20 «Тоғамнинг туши». Телевизион бадий фильм. 1-қисм. 13.10 Мультифильм. 13.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали Тожикистон телевиденисининг кўрсатувларини намойиш этади. «Ганжина» этнографик ансамблининг концерти.

14.00 Янгилар. 14.25 «Телемист». 15.10 «Ен дафтар». 15.15 «Тедди Раксиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.50 Давлатлараро «Останкино» телеканали Тожикистон телевидениеси кўрсатувларини таништирати. «Шунқорлар парвозга отланади». Болалар учун кўрсатуви. 16.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 17.00 Янгилар. 17.25 Республика мустақиллик кунига. «Тожикистоннинг бугунги кунини». 18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.50 «Расулга мусиқий таъзим». 19.10 Ваучер — ишонч белгиси. 19.40 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 2-тайм. Венгриядан оlib кўрсатилди. 23.00 Янгилар. 23.40 «Рок-Н-ролл-ТВ». 00.25 «Матбуот-экспресс».

буот-экспресс».

**ДУБЛЬ IV**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Тонгги концерт. 8.15 «Бизнес ва сибсат». 9.10 Россия телевизион театри. Н. В. Гоголь. «III даражали Владимир». 2 ва 3-қисмлар. 10.45 «Рек-тайм». 11.15 Хонаки экрани. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 216-серия. 12.05 «Биз ҳеч қачон буюртма асосида куйламаганмиз». Авторлик кўшиқлари фестивали. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.00 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 13.55 «М-трест». 14.15 «Терминал». 14.45 Трансросэфир. «Орол». 15.30 Янгилар. 15.45 «Рост» студияси. «Космос сабоқлари», «Биринчи тайм». 16.15 «Рус ташрифи». 16.45 Спорт кўрсатуви. 17.00—19.00

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
19.00 Хонаки экрани. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 217-серия. 19.50 «Келин, аниқлаб олайлик». 20.05 «Ватаним менинг». «Тикланиш». 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.30 «Париж юлдузи». 2-кўрсатуви. 22.00 «Ҳаёт томири». Михаил Дудин. 22.30 Кинокузгу. «Тире белгиси». Хужжатли фильм. Вера Холоднаянинг 100 йиллигига. 23.30 Альберт Асадуллин концерти. 24.00 Криминал хабарлар экрани. 00.10 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

### 10 ЖУМА

**УзТВ I**  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 «Илҳом чашмаси». Телефильм. 7.50 «Мутахассис маслаҳати». 8.00 Дилга яқин кўшиқлар. 8.20 Мультифильм. 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Болалар учун фильм. «Усмирлар кинотда». 10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Уқув кўрсатуви. Умумий биология. 11.00 «Ешлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари». 11.30 Уқув кўрсатуви: Узбек адабиёти. 18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 18.40 «Ешлик» студияси. «Ишонч». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 Эълонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 «Оқшом эртаклири». 20.25 «Ўзбекистон ва жаҳон». Ўзбекистон Республикасининг ЭКСПО-93 да иштироки. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар. 21.40 «Баҳор билан учрашув». Халқ артисти М. Турғунбоевага бағишланади. 22.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига. Республика театрлари телевизион фестивали. «Маъмура кампир». О. Хўжаев номидagi Сирдарё вилояти театрининг спектакли.

**УзТВ II**  
17.00 АШГАБАТ КўРСАТАДИ  
**ОРБИТА IV**  
5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилар. 8.20 «Товус малика». Бадий фильм. (Хитой). 10.00 «Саёҳатчилар клуби». 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.20 «Тоғамнинг туши». Телевизион бадий фильм. 2-қисм. 13.20 Телефильм премьераси. 14.00 Янгилар. 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Товус малика». Бадий фильм (Хитой). 16.50 «Технодром». 17.00 Янгилар. (Сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Янги Россия ва Европа хавфсизлиги» кўрсатувини таништирати. 17.40 «Инсон ва қону». 18.15 «03 вагон». 18.45 «Муъжизалар-майдон». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.25 «Хафтаннинг машхур кишиси». 20.40 «Детективлар клуби»да. «Сунини». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 21.40 «Матбуот-экспресс». «ВИД» таништирати: 21.55 «Сийсий бюро». 22.30 «Музобоз». 23.50 «Авто-шоу». 00.05 «Х» кўрсатуви. 00.30 «Хитконяк». Танафус пайтида (23.00) — Янгилар. 01.35 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

**ДУБЛЬ IV**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 «Параллеллар». 8.15 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади. 9.15 «Бурда модени» тавсия этади... 9.45 «Ҳайвонот оламида». 10.45 Мульти-пульт. 10.55 Хонаки экрани. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 217-серия. 11.45 Ватаним менинг. «Тикланиш». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.05 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 14.10 «Уз-ўзига режиссёр». 14.40 «Рост» студияси. «Мусиқий синф». 15.10 Янгилар. 15.25 Жума кунлари Дисней. «Севги йўли кўрсатади». Бадий фильм. 2-серия. 16.15 Мульти-пульт. 16.25 Трансросэфир. «Бозор йўлида». 17.00—18.45  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
18.45 Телеэкранда — премьераси. «Океан». Кўп серияли бадий фильм. 3-серия. 20.25 «Джентльмен-шоу». 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 Катталар учун мультифильмлар. 21.50 Вика Циганова куйлайди. 22.40 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади. 23.40 «Император СПИД». Хужжатли фильм. 00.30 «Юлдузлар ёғилганда».

12.15—15.35  
**ЎЗБЕКИСТОН**  
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**  
15.35 «Тилла шпора». 16.05 «Чегарасиз футбол». 17.00—18.25  
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
18.25 Телеэкранда — премьераси. «Океан». Кўп серияли бадий фильм. 4-серия. 20.00 «Мутлақо махфий». 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 «Балет... балет...» Стокгольмдаги ёш рақослар кўригида. 22.25 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништирати: «Сариқ сувости кемаши» клуби. 22.55 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади. 23.55 «Экзотика».

**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
18.45 Телеэкранда — премьераси. «Океан». Кўп серияли бадий фильм. 3-серия. 20.25 «Джентльмен-шоу». 21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 21.25 Катталар учун мультифильмлар. 21.50 Вика Циганова куйлайди. 22.40 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади. 23.40 «Император СПИД». Хужжатли фильм. 00.30 «Юлдузлар ёғилганда».

### 11 ШАҒНА

**УзТВ I**  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 6.40 «Соғлом бўлай десангиз...». 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.30 Эстрада концерти. 7.50 Мультифильм. 8.05 Дунё воқеалари. 8.20 «Шифокор маслаҳати». 8.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.50 «Соғлом бўлай десангиз...». 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 «Алифбо сабоқлари». 9.40 «Пятницкий кўчасидаги қаҳвахона». Бадий фильм. 11.05 «Ешлик» студияси. «Сенинг замондошинг». Улугбек Нурматов. 11.35 «Чорвадор» программаси. 11.55 Усмирлар учун. «Гўзаллик гулшани». 12.25 «Олий таълим истиқболлари». 12.55 «Эл тинчилиги йўлида». 13.10 «Мерос». «Алломиш» дostonи ҳақида. 17.00 Футбол. «Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Темирйўлчи» (Кўзон). «Пахтакор» марказий ўйингоҳидан оlib кўрсатилади. Танафус пайтида — телефильм. 18.50 Адабий театр. Хамроқул Ризо. «Нон қадри». 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Улмас мерос». Телефильм. 20.10 «Оқшом эртаклири». 20.25 Дам олиш концерти. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 «Ўзбекистон — Ватаним меним». 31 августдаги тантаналар ва сайиллар асосида яратилган видеофильм. 23.30 «Тунги ёғду». Дам олиш кино-программаси.

**УзТВ II**  
17.00 АШГАБАТ КўРСАТАДИ  
**ОРБИТА IV**  
6.00 «Матбуот-экспресс». 6.10 Ишбилармон кишининг шабанба тунги. 6.55 Янгилар. 7.30 «Кинор». 8.00 «Марафон-15» таништирати. 8.25 Эфирда «Мир» давлатлараро телерадиокомпанияси. 9.50 «ЭКО». Экологик шарҳ. 10.05 «Китобхона». 10.45 «Мулкдор алифбоси». 10.55 «Илҳом манбаси». 11.25 «Хукумат кишилари». 11.40 Едимизда қолган фильмлар. «Дарахтлар катта эди». Бадий фильм. 13.30 «Тиббиёт сиз учун». 14.00 Янгилар. 14.25 «Марафон-15». 15.05 Режиссер К. Шаброля фильмлари таништирилади. 15.30 Юрий Антоновнинг Олтин диски. 16.50 «Қизил квадрат». 17.30 «Ҳайвонот оламида». 18.10 «Орзулар вокзали». Ю. Башмет. 18.50 «Колумбия пикчерс» таништирати. «Ти Жей Хукер». Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.25 «Колумбия пикчерс» таништирати. «Бундан буён ва эрдан асрларга». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 21.30 «Резонанс» студияси таништирати. 21.45 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Усть-Каменогорск). 2 ва 3-давралар. Ленин номидagi Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан кўрсатилади. 23.00 Янгилар. 23.35 «Матбуот-экспресс». 23.45 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Москва). «Динамо» Марказий стадиондан кўрсатилади.

**ДУБЛЬ IV**  
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ**  
7.30 «Оламга уз нигоҳи билан қараш». 8.00 «730-формула». 8.30 «Халқ англамаган конит». 9.00 «Рост» студияси. «Гўзал қизлар». «Бизнинг «Аралаш». 9.30 «Пилграмм». Россия саёҳатлар бюроси. 10.20 Фильмлар премьераси. 10.35 Биз севган комедиялар. «Италияликларнинг Россиядаги қаройиб саргузаштлари». Бадий фильм.

### 12 ЯКШАНБА

**УзТВ I**  
7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.30 Болалар учун. «Тонгги салом». 9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизи



МЕХНАТКАШЛАР кўнинча баъзи савдо ходимларининг юлгичликларидан шикоят қилишади. Бу бежиз эмас. Айниқса, ҳозирги кунда қаер текширилса ўша ерда нуқсон очилиб қолади. Яқинда Меҳнатобод туман давлат нazorати қўмитаси ўтказган текшириш буни тасдиқлади. Кичкина бир туманда шунда хатолик, ҳатто сурбетлик ва қаллобликлар борки, уларнинг ҳаммасини санаб туғатиш қийин. Шулардан айримлари ҳақида фикр юритиб кўрамиз.

## ХАЛҚ РИЗҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ!

Ҳозирги кунда ун, шакар, чой, совун сингари маҳсулотларни аҳолига қарточкалар орқали сотилиши ҳаммага аён. Бу тартибни жорий қилишдан мақсад ҳаммага ўзига тегишли озиқ-овқатни тўла етказиб бериш. Бироқ шундай шароитда ҳам баъзи бир савдо ходимлари халқ ризқига хиёнат қилишиб, қолган маҳсулотларни ортиқча нархда пулламоқдалар.

Туманда шу йилнинг беш ойидан матлубот жамияти савдо дўконлари томонидан аҳолига 3629 килограмм шакар, 1333 килограмм чой, 2772 килограмм пахта ёғи, 3950 килограмм ун, 775 килограмм макарон белгиланган нормадан кам сотилганлиги аниқланди. Ҳолбуки туман матлубот жамияти фақат олти минг нафар аҳолига хизмат қилади. Қолган 13000 нафар аҳолини

таъминлаш эса 9-ишчилар таъминоти бўлими зиммасида.

Ҳар иккала савдо тармоғида ҳам халқ ризқига хиёнат қилиш фактлари умрамқда. Бундай хиёнатлар орасида туман матлубот жамиятига қарашли 2, 5, 11 дўконларда, 9-ишчилар таъминоти бўлимига қарашли «Лола» дўкониди, шунингдек, Мажид Қорақулов, Дилшод Тошматов ишлаётган дўконларда меҳнаткашларни ранжит-

моқдалар.

Айниқса, 11-дўкон мудирини Қандим Султоновнинг сурбетлиги қуюшқонга сиймайди. 11-дўкон туман марказида бўлиб, 1084 нафар аҳолига хизмат қилади. Қандим Султонова апрель-май ойларида 224 кишига нормадаги озиқ-овқат маҳсулотини бермаган. Кўп миқдордаги ун, пахта ёғи, шакар ва совунни очиқ сотиб юборган. Бундан ташқари июнь ойида 165 кишига ун, 6 кишига гуруч, 17 кишига чой, 12 кишига шакар, 6 кишига совун берилди деб таъминот қарточкаларига қўл қўйдириб олинган. Аслида эса бу маҳсулотлар дўконга келтирилмаган.

Султоновнинг айблари фақат шулардан иборат эмас. У маҳсулотларга ўзи истаганча нарх қўйиб сотишдан уялмайди ҳам, кўрқмайди ҳам. Мана мисоллар: 1317 сўмлик «Халқабод»

коньягини 1450 сўмдан, 273 сўмлик «Ягодний» конфетини 453 сўмдан, 298 сўмлик «Лучистый» конфетини 415 сўмдан сотган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 майдаги 259-қарорига биноан 1 июндан бошлаб аҳолига белгиланган меъёрлардан сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чекланган чакана нархлари оширилди. Шу муносабат билан савдо ходимларига барча аҳолини 1 июнгача нормадаги маҳсулотлар билан тўла таъминлаш вазифаси юкланди. Аммо Қ. Султонова 30-31 май кунлари дўконни очмади. Оқибатда 1084 жон учун белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини ололмастик хавфи туғилди. Туман давлат нazorати инспекциясининг аралашуви билан 31 май соат 17 дан бошлаб дўкон очилди, соат 24 гача ишлаб, 730 кишига хизмат кўрсатилди.

Қандим Султоновнинг бунчалик ҳаддидан ошишига сабаб нима? Асосий сабаб шуки, унинг умр йўлдоши Ш. Султонов туман матлубот жамияти бошқарувининг раиси бўлиб ишлайди. Шу сабабли бу савдо ходимининг мушугини ҳеч ким пишт дейолмаган. Бундан фойдаланган Султонова туман ҳокимияти, прокуратура, суд, милиция ёнгинасида гуриб, халқ ризқига хиёнат қилаверган. Меҳнаткашлар машаққатлар билан топган пулларидан сурбетларча уриб қолаверган. Туман давлат нazorати инспекцияси бир неча қаллоб савдо ходимига нисбатан маъмурий ва интизомий чора кўрилишини тавсия этди. Қандим Султоновнинг иши эса прокуратурага оширилди. Қани сабр қилиб турайликчи, бу ёғи нима бўлар экан? Ҳар ҳолда Набижон Собиров бошлиқ назоратчиларнинг бу текшириши халққа наф келтирса керак.

Саминжон СУЛТОНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## СОВРИНДОРЛАР КЎРИГИ

Енгил саноат корхоналарининг кўрик-танловда қатнашган вилоят касаба уюшма жамоаларининг хизматларига яқун ясалди.

Санаторий-профилакторийлар бўйича биринчилик Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасига, иккинчи ўрин Қувасой чинни заводига насиб этди. Мактабгача тарбия муассасалари бўйича Фарғона сунъий чарм заводига қарашли болалар боғчаси ғолиб бўлди.

Совриндор жамоаларининг бу борадаги иш тажрибаларини оммалаштириш учун Фарғонада махсус республика семинар кенгаши ҳам бўлиб ўтди. Унда Республика касаба уюшмалари Федерацияси енгил саноат ходимлари Марказий қўмитаси раиси Т. Б. Мурсалиева қатнашди.

## ДАВР ТАЛАБИ

МАДАНИЯТ ходимлари ва давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталарининг бўлиб ўтган қўшма пленуми ҳақиқий қўшма анжуман бўлди. Чунки молиявий ҳамда ташкилий ишларни ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш ва ривожлантириш, бошқаришни тежамли, самарали олиб бориш учун бу икки қўмита бирлаштирилди. Мухторжон Муҳаммадов янгидан ташкил бўлган давлат муассасалари ва маданият ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси этиб сайланди.

А. ДАМИНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

БАЛОҒАТГА етган ва етмаган, адашган ва алданганлар. Таҳқирланган ва азобланганлар... Турмушнинг заҳматиға бардоши етмаганлар.

Тошкентдаги биринчи шаҳар шифохонасининг ўткир заҳарланишдан даво топиш бўлимига ҳар ой 130—150 нафарлаб бемор келади. Шундан айримлари ўз жонига қасд қилганлар.

билан рўбарў келдим. Оғриқдан тўлғониб, дард билан олишарди. Ҳар ўқчиганида жони ҳалқумига келаётгандай.

— Ахир, шундай қилишга мажбур бўлиб қолган эдим-да! — дейди у, оғир-оғир нафас оларкан. — Шунақа қийналишимни билганимда ҳеч қачон ўзимни заҳарламамас эдим...

## ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

— Бизнинг бўлимда сирка қуюқмаси, турли хил кислота ва кимёвий хоссалар, дорилар билан ўзини-ўзи нобуд қилишга мойиллар, шунингдек ота-оналарининг эҳтиётсизлиги туфайли заҳарланган болалар ёки кўлда тайёрланган спиртли ичимликлардан зарарланганлар шифоланадилар, — дейди бўлим мудирини Омон Юсулов, — Уларнинг аксарияти 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қиз-жувонлар. Ёшлар орасида содир бўлаётган бу фожианинг олдини олиш энг аввало оила тарбиясига боғлиқ. Менимча оналарни иш соатлари қисқартирилгани маъқул. Чунки она фарзандига доим кўз-қулоқ бўлади.

Эндигина 18 га кирган қиз

Уларга қулоқ солиб жон азобининг нақадар мудҳиш даҳшатини, яшашнинг қадрини яна бир бор ҳис қиласиз.

Самарқандлик 17 ёшли қиз ҳомиладор эди. Йигит унга уйланишни ваъда қилиб, бошқаси билан турмуш қуради. Уларнинг никоҳ тўйи куни қиз ўзини заҳарлайди.

Тошкентнинг Назарбек даҳасида истиқомат қилувчи 16 ёшли қизни ўғирлаб кетишди. Орадан икки кун ўтган йигит «Сен билан турмуш қурмайман» деб уни уйдан ҳайдаб юборди. Қиз уйига бормайди. Дугонасиникига келиб, сирка ичади, нобуд бўлади.

20 ёшли келинчак эридан еган калтаклари-ю, қайнона ва қайнағачиларининг кўрсатган хўрликларини айтиб бериб юм-юм йиғлайди.

— Ахир мен ҳам одамман-ку! — дейди у. — Шу қадар таҳқирланишга чидаш осонми?

Қиз бола—биронинг омонати. Ана шу омонат ўз эгасига етгунига қадар асраб-авайлаш кераклигини баъзи ота-оналар унутиб қўймоқдалар. Турмуш ташвишларию, ҳаёт мураккабликлари билан овора бўлиб, ғафлатда қолмоқдалар. Тўғри, тарозининг ҳар икки палласини тенг ушлаш қийин. Баъзан ана шундай номутаносибликлар ҳам баъзи фожиаларнинг сабабчиси бўлиб қолаётир.

17 ёшга кирган Н. исмли қиз никоҳсиз ҳомиладор бўлиб қолади. Маҳаллада тилга тушади. Иснодга чидай олмаган ота қизини «оқ» қилиб, уйдан ҳайдаб юборди. Оқибатда қиз ўзини-ўзи заҳарлаб, оламдан ўтади.

Ҳа, жазо оғир. Ярагининг устига чиққан чипқон бу. Ахир улар учун ажратаётган вақтимиз, эътиборимиз меъёрида бўлиши керак эмасмикин? Талаб ҳаддан зиёд ошиб кетса ҳам тарозининг бир палласи оғиб кетади-ку?

14 ёшдан 30 ёшгача бўлган давр — умрнинг айна баҳори. Инсон умрининг ана шу баҳорида очилиш учун, атрофга уфорини таратиш учун, ҳосил бериш учун уйғонади. Уйғонади-ю, кўзларини ишқалаб одим ташлайди. Ногаҳон ҳаётнинг ўнқир-чўнқирликларидан қоқилиб- кетади. Кейин... кейин йўлда давом эттолмай, иложсизлик қамровида ожиз қоладилар.

Ун гулидан бир гули очилмаган ўша йигит-қизлар хаёлимдан нари кетмайди.

Комила СУЛТОНОВА.

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ  
(бош мухаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,  
Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбой МАДИЕРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят мухбири),  
Мухайё ТЎЛАГАНОВА,  
Шабот ХЎЖАЕВ,  
Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош мухаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош мухаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ

МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Навоийда — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят востачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувдаги нархи 15 сўм.

- ШАНБА кунлари чиқади.
- БОСИШГА 3 сентябрда топширилди.
- Навбатчи масъуллар: Турғун НАЗАРОВ, Санъат МАҲМУДОВА, ● МАНЗИЛИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
- 65030 нусхада босилди.
- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди.

◆ Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.

◆ ● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

◆ нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

◆ Буюртма Г-504 1 2 3 4 5 6